

## ШАРТНОМА № 51

Лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш  
экспертизадан ўтказиш хизматини кўрсатиш.

« 14 » ноябр 2022 йил

Фарғона ш.

Низоми (устав) асосида иш юритувчи “Исфайрам Шохимардон ИТБ”, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланувчи номидан бошқарма бошлиғи С.Муратов бир томондан ва Низом асосида иш юритувчи «Фарғона Раҳматжон Топограф» хусусий корхонаси бундан буён матнда «Бажарувчи» деб номланувчи номидан раҳбар З.Раҳматов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I Шартнома предмети.

1.1 Бажарувчи, “Фазобод сув таксимлаш иншооти ва Аввал боши сугориш тармоқларини тозалаш ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва бетонлаш ишлари учун лойиха смета хужжатлари тайёрлаш ва экспертиза хулосаси олиш” ишларини бажариш, буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади..

### II. Шартнома буйича ишлар қиймати

- 2.1. Мазкур шартнома буйича тасдиқланган манзилли дастурга асосан, Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати умумий барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда қўшилган ҚҚС билан жорий **68 000 000** (олтмиш саккиз миллион ) сўм ни ташкил этади.
- 2.2 Ушбу шартнома буйича тулов пул ўтказиш йўли билан шартнома имзолангандан сўнг шартнома қийматининг 30 % миқдоридан олдиндан тўлаш. Қолган қисмини иш бажарилганлиги тўғрисида далолатнома топширилгандан сўнг, ҳисоб- фактурага асосан тўланади.

### III. Тарафларнинг мажбуриятлари

3.1 «Буюртмачи» керакли материаллар билан таъминлаш ҳамда уларнинг асбоб-анжомларини сақлаш учун шароит яратиш. Иш жараёнида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган шароит яратиш бериш. Шартномада кўрсатилган иш қийматини аванс 15 % ни шартнома имзоланган кундан кейин олдиндан тулаш. Иш бажарилганлиги ҳақидаги далолатномалар топширилганидан кейин 30 кун муддат ичида шартномадаги қолган қийматини тулаш. ишларини жойида бажарилишида иштирок этиш ва қабул қилиб олиш учун уз томонидан маъсул ходим ажратиш.

3.2. Бажарувчи:

3.2.1. Ишни шартномада белгиланган муддатда сифатли бажариш ва топшириш.

3.2.2. «Буюртмачи» талаби асосида ходимларни кидирув ишларни бажариш учун объектга бориб келишга транспорт воситаси билан таъминлаш.

3.2.3. Керакли иш қуролларини ўз ҳисобидан таъмин этиш.

3.2.4.5. Ишларни 15 фоиз миқдоридан тўлов амалга оширилгандан кейин 15 муддатда тамомлаб, буюртмачига топшириш.

### IV. Томонларни жавобгарлиги

4.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

4.2. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га иш ва хизматларни белгиланган муддатларда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун бажариб бермаган иш ва хизматлар қийматининг 0,5 % миқдоридан «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори бажарилмаган иш ва хизматлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.3. Шартнома талабларида курсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда иш ва хизматлар бажарилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу иш ва хизмат қийматининг 20 % миқдоридан жарима тулашига сабаб бўлади.

4.4. «Буюртмачи» томонидан бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Бажарувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

#### V. Форс мажор холлари.

5.1 Тарафлардан ҳеч бири бошка томоннинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ва бартараф этиш мумкин булмаган холларда жавобгарликни утамайди.

#### VI. Низоларни хал этиш тартиби.

6.1 Шартнома буйича тарафлар уртасида пайдо буладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар уртасида музокара йули билан, хал килиб булмаса суд оркали хал этилади.

#### VII. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

7.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаса хужалик суди ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибида хал килинади.

7.2 Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

7.3 Ушбу шарнома 2022 йил « 31 » декабргача тузилди.

Шартнома икки томонлама имзоланиб рўйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради.

#### IX. Тарафларнинг юридик манзиллари.

##### БУЮРТМАЧИ

«Исфайрам Шохимардон ИТБ»

Манзил: Фарғона ш.Оқ йўл кўчаси 8-уй  
Шхв:100021860304017042402170006

Шхв:40012186030401795100170004

Ташкилотнинг СТИРи:200146904

ОКОНХ:22100 Тел:73 226-36-19

Молия Вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб варағи

Х/Р:23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш.ХККМ

МФО:00014 ИНН: 201122919

##### БАЖАРУВЧИ

«Фарғона Раҳматжон Топограф»Х/К

Фарғона ш.Ал.Фарғоний к 74 уй

х/р 20208000304670773001

«Хамкор» банк Истикбол филиали.

МФО 00965 ИНН: 300678571

ОКОНХ 66000

Тел: 90-409-69-99



Ғафур

С.Муратов



Директор:

З.Раҳматов

Ўзбекистон Республикаси